




ИМКОНИАТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕХНАТ ҚИЛИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 14 апрель куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Самарқанд вилояти ривожланган саноати ва қишлоқ ҳўжалиги, табиий бойликлари, улкан сайёҳлик салоҳияти билан мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобил заводи, «JV Map Auto Uzbekistan» қўшма корхонасида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. «Бритиш-Американ тобакко», «Сам Антеп Гилам», «Urg-Gaz Carpet», «Амин Инвест», «Дака Текс», «Агромир Самарқанд» қўшма корхоналари, «Сино», «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятлари, «Шарқ саноати» хусусий концерни сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари вилоятнинг иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.

2016 йилда 19 янги қўшма корхона ташкил этилган ва вилоят бўйича уларнинг сони 263 тага етган. Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 195 миллион долларни ташкил этган. Экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошган.

Бу кўрсаткичлар Самарқанднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ҳам намоён бўлмоқда. 2016 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 8,7 фоиз ўсгани шундан далolat беради.

Азалдан ҳунармандлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан донг таратган самарқандликлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам улкан натижаларга эришмоқда. Мазкур соҳанинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигадаги улуши 78 фоиздан ошгани ва меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқ.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислох қилиш ва модернизациялаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 2016 йилда 2838 кўп тармоқли фермер ҳўжалиги, 9079 гектар майдонда интенсив боғ ва 1000 гектар ерда тоқзор ташкил этилган. Ушбу соҳада 11 минг 349 иш ўрни яратилган.

Бугунги кунда сабзавотнинг 33 фоизи, меванинг 38 фоизи, сутнинг 34 фоизи, гўштнинг 27 фоизи вилоятдаги маҳаллий корхоналарда қайта ишланмоқда. Бундай ўсиш суръатлари одамларнинг турмуш шароитида, вилоят шаҳар ва қишлоқлари қиёфасида ўз ифодасини топмоқда.

Туризм Самарқанд вилояти иқтисодиётининг асосий йўналишларидан биридир. Вилоятда сайёҳлик ресурсларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан яратилган имконият ва имтиёзлар туфайли бугунги кунда Самарқандда юздан ортқ меҳмонхона ва

80 дан зиёд сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Йилдан-йилга уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда. Сайёҳликнинг экологик, соғломлаштириш, агро ва фаол турларини ривожлантириш, ички туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят туманларида янги сайёҳлик йўналишлари очилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни янада такомиллаштириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш борасида улкан режа ва мақсадлар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари бу мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос, ташкилий тизим яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифини Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади.

Ислоҳ Каримов руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳрида Ислоҳ Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда.

Лойиҳага кўра, мақбара мрамр, гранит ва нақшлар билан безатилади, пештоқларига Қуръон оятлари битилади. Зиёратчилар учун айвон бунёд этилади, кексалар учун лифтлар ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу мақбара лойиҳаси билан танишди. Уни янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун қўлайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди. Зиналарни пасайтириш, мажмуа атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, мажмуа тунда ёруғ нур сочиб туришини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Ислоҳ Каримов мустақиллигимизга, халқимизнинг фаровон ҳаётига асос солган, маънавиятимизни тиклаган буюк инсон эди, деди Шавкат Мирзиёев. Мажмуада Биринчи Президентимизнинг буюклиги, пок иймон-этиқоди, сермазмун ҳаёти акс этиши керак. Шу мажмуа тисолида Ислоҳ Каримовга бўлган меҳр-муҳаббатимизни кўрсатишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари Биринчи Президентимиз мақбараси Ҳазрати Хизр масжиди билан уйғун бўлиши зарурлигини

таъкидлади. Мақбарага монанд зиёратчилар учун баланд айвонлар бунёд этиш, расмий делегациялар учун ҳам кенг шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ушбу мажмуа юксак маънавият, илм-таърифат маскани бўлиши керак. Зеро, бу катта тарбиявий аҳамиятга эга. Мажмуада ҳамиша майин оҳангда Қуръон суралари янграб туриши, мақбара деворларига муқаддас оятлар билан бирга, Ислоҳ Каримовнинг ҳикмати сўзлари ҳам битилиши зарур. Токи зиёратга келганлар ўзига улкан руҳий қувват олсин, халқимизнинг илмига, маънавиятига ҳаваси ортин.

Президентимиз Жомбой туманидаги «Ғалла Осиё нон» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, вилоятда яқин вақтлар ичида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Дастлаб «Шарқ саноати» концерни таркибига ташкил этилган интенсив қўлат етиштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Польшалик мутахассислар янги технологиянинг аҳамияти, афзалликлари ҳақида сўзлаб берди. Мазкур усул асосида етиштирилган қўлатлар касалликка чидамлилиги, тезпишарлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Самарқандда картошка етиштириш бўйича янги марказ ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Марказнинг ҳудудларо филиаллари ташкил қилинади. Вилоятларда мазкур йўналишда лабораториялар очиш кераклиги қайд этилди.

Булунғур туманида ташкил этилаётган «Тоҳир» масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимизда аҳолини йил давомида мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, ташқи бозорларда харидорғир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини кўпайтириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё бозорида юртимизда етиштирилган сархил қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Янги ташкил этилаётган жамият мутахассислари бу борада талаб ва тақлифларни атрофлича ўрганиб, лойиҳани жорий йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширишни режалаштирган.

Ўн бир гектар майдонда барпо этиладиган корхона йилига 12 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАШҚИ САВДО СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдо алоқаларининг самардорлигини янада ошириш, ташқи савдони либераллаштириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда рақобатдош маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш тизимини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан хорижий шериклар ўртасида савдо соҳасида узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ваколатли давлат органи бўлиб, ташқи савдо соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади ҳамда ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органлари иштини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо муносабатлари қисмида унинг мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш, ташқи бозорлардаги талаб-ёғтижларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қўяматли маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кўчатириш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва хилларини тизимли асосда таҳлил қилиш, ташқи бозорларда унинг рақобатдошлиги даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қўлай шарт-шароитларни таъминлаш, сотиш бозорларини диверсификациялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишончли хорижий савдо шерикларини излаш ва танлашда ҳўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг тендер савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркаларида ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган бошқа шундай тадбирларда

иштирок этишларига амалий ёрдам кўрсатиш;

импорт бўйича келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳажми ва таркибини чуқур таҳлил қилиш, маҳаллий хомашё негизда импорт ўрнини босадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни маҳаллийлаштириш масалалари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича концепция ва дастурлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

ташқи савдо асосий кўрсаткичлари параметрларини шакллантиришда ва Ўзбекистон Республикасининг боғжона-тариф сиёсатини такомиллаштиришда иштирок этиш, ташқи савдони либераллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

товарлар (ишлар ва хизматлар), шу жумладан, ўзига хос товарлар ва саноат маҳсулотлари ташқи савдоси, шунингдек, ташқи савдода тариф ва нотариф бошқаруви чораларини қўллаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиш чораларини амалга ошириш бўйича тақлифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, хусусан, транзит салоҳиятини, логистика ва транспорт йўлакларини ривожлантириш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини қайта ташкил этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича иловига мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

Комиссия (А.Ж.Раматов) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини қайта ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларнинг қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бўшаётган ходимларини иш билан таъминлашга кўмаклашсин.

6. Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қўнун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Президентимизга тақдим қилинган кейинги учта лойиҳа ҳам шу йўналишда. Булар Булунгур туманидаги «Самарқанд гарден пласт», Жомбой туманидаги «Грин агро экспорт» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Мароқанд мева-сабзавот» фермер ҳўжалиги томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қалоқлаш марказини ташкил этиш лойиҳаларидир.

Лойиҳалар ҳақида Президентимизга батафсил маълумот берилди: ташкил этиладиган янги иш ўринлари, экспорт ҳажми, таъсисчи томонидан сарфланадиган маблағлар, банклар томонидан ажратиладиган кредитлар, замонавий ускуналарнинг имкониятлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир лойиҳа бўйича фикр билдириб, уларни янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Оқдарё туманидаги «Юнусжон аҳли» оилавий корхонаси томонидан соя оқсил изоляти ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Йилга 26 тонна соя донини қайта ишлаш қувватига эга корхона Хитойнинг етакчи компанияларининг замонавий ускуналари билан жиҳозланади. Жорий йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган корхонада соя ёғи, уни, оқсил изоляти ишлаб чиқарилади. Корхонада 80 кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Биз учун ҳар бир иш ўрни муҳим. Лоақал иккита одамни иш билан таъминлаган талбиркорни бошимизда кўтаришга тайёرمىз, деди Президентимиз. Чунки инсоннинг иш билан таъминланиши унинг оиласи фаровон бўлишига, эртасига, давлатга ишончи ошишига асос бўлади.

Давлатимиз раҳбари Жомбой туманида вилоятда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар тақдимотида иштирок этди.

Вилоятда Миллий банк томонидан молиялаштирилаётган енгил саноат соҳасидаги лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. «8 март», «Urgaz textile», «Urg-Gaz Carpet», «Arfa Exprod», «Alnazar orzu servis», «Samarqand Oqdaryo textil tola» каби масъулияти чекланган жамиятларида йилга 110,4 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу корхоналарда тайёр трикотаж, жинси маҳсулотлари, кўйлак ва чойшаблар ишлаб чиқарилади. Корхоналар тўлиқ қувват билан ишта тушгач, беш мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шундан сўнг «Асакабанк» томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар тақдимоти бўлди. «Next textile», «Оқдарё текс», «Мароқанд сифат» масъулияти чекланган жамиятларининг истиқболдаги фаолияти муҳокама қилинди.

Президентимизга лойиҳаларнинг аҳамияти, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури ва сифати, яратиладиган иш ўринлари ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев жаҳон бозорида сифатли ип калавадан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларига талаб ортиб бораётгани, пахта толасини қайта ишлашни янада кенгайтириш ва аҳолини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли кийим-кечак билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Соҳани янада ривожлантириш ва корхоналарнинг истиқболдаги режаларини аниқ белгилаш, янги ташқи бозорларни топиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Булунгур туманидаги «Интер легс» масъулияти чекланган жамиятида ип-калава, трикотаж мато ва матони бўйиш ҳамда тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳанинг қиймати 37 миллион евро бўлиб, корхона ишта тушгач, йилга 31 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади, 700 киши иш билан таъминланади.

Мамлакатимизда енгил саноатни изчил ривожлантириш, тармоққа замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори соҳа ривожини учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарига Самарқанд вилоятда 2017-2018 йилларда енгил саноат соҳасида амалга ошириладиган манзилли дастур тақдим қилинди.

Жанубий корейлик инвесторлар томонидан ташкил қилинаётган «Samarqand apparel» корхонасида эркаклар, аёллар ва болалар учун тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди.

Президентимиз вилоятда терини қайта ишлаш, чарм ва махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. «Каттақўрғон чарм» қўшма корхонасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Самарқанд вилоятда тери хомашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш, чарм-пойабзал соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Хитойлик инвесторлар мазкур соҳани янада ривожлантириш, вилоятда сифатли ва жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўзларининг таклифларини баён қилди, Президентимизга Ўзбекистонда хорижлик инвесторлар учун яратилган қўлай инвестициявий муҳит учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашга эътибор қаратди. Қишлоқ жойларда аҳоли, айниқса, ёшларни муҳим иш билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, ҳудудларда етиштирилаётган пахта толасини ўша ернинг ўзида қайта ишлаш учун яратилаётган қўлай имкониятлар талбиркорларга кенг қўлайликлар яратиб, янги иш ўринлари кўпайиши, аҳоли даромадлари ошишида муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари вилоятда енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Президентимиз Имом Бухорий ёлгорлик мажмуини зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрь куни пойтахтимизда ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи Ишлар вазирлиги кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида Имом Бухорий ёлгорлик мажмуи қошида ислом маданияти, умумбашари цивилизация ривожига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Президентимиз мазкур марказ қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Марказ Имом Бухорий ва бошқа алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади.

Президентимиз мазкур халқаро марказнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Бу муассасада ислом маданияти тарғиботи бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлади. Бино хоналарида буюк алломаларимизнинг маънавий қудрати ва салоҳияти намоён бўлиб туриши, бунинг учун ҳар бир хонани муайян аллома номи билан аташ ва шунга яраша жиҳозлаш зарурлиги қайд этилди.

Буюк мутафаккир бобомиз, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорий мангу қўним топан ушбу масканда ўзига хос маънавий-руҳий муҳит мавжуд, деди давлатимиз раҳбари. Мажмуага зиёратга келган одам бу марказга ҳам кириб, ўзига катта маънавий озуқа олсин, боболаримиз ҳикматларидан ўрганиб кетсин. Шунда уларнинг қалбида улуг аждодларимиз билан фахрлиниш туйғуси юксалади, айни пайтда шундай буюк зотларнинг авлоди деган масъулиятни ҳис этади.

Шавкат Мирзиёев олимлар ва уламолар билан суҳбатда ушбу марказда тадқиқотчиларга Куръони карим оятларини қироат билан ўқиш, тўғри талаффуз этиш, араб имлосида ёзиш — каллиграфия бўйича мамлакатимиз етакчи олимлари дарсларини йўлга қўйиш, хорижлик тадқиқотчилар учун стажировкалар таъсис этиш лозимлигини таъкидлади.

Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида Ислом тараққиёт марказини

ташкил этамиз. Ушбу масканда ҳам Имом Бухорий халқаро маркази каби халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга, буюк аждодларимиз ислом таълимотига беқийс ҳисса қўшганини аниқ мисоллар билан кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Имом Бухорий мажмуаси атрофида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини реконструкция қилиш лойиҳаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу зиёратчилар учун қўшимча қўлайлик яратиб, ҳудуд инфратузилмасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳидан Имом Бухорий мажмуасигача бўлган йўл бўйида икки қаватли замонавий уйлар ва ижтимоий объектлар қуриш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича мутасадди раҳбарларга топшириқлар берди.

Президентимиз Кўшработ туманида ҳам бўлди. Тумандаги «Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда тоғолди ҳудудларида 2017-2018 йилларда ёнғоқзорлар, тоқзорлар барпо этиш, 2017-2021 йилларда чорва боқишни ташкил қилиш, туманда ичимлик суви таъминотини яхшилашга оид лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги «Дехқон ҳўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсидига Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Пастдарғом, Пайарик, Самарқанд, Ургут ва Кўшработ туманларининг тоғолди ҳудудларида 2017-2018 йилларда 4 минг 211 фермер ҳўжалиги ташкил этилади. Фермер ҳўжаликларида 5,7 минг гектар ёнғоқзор ва 13 минг гектар тоқзор барпо этиш режалаштирилган.

2017 йилда 2,5 минг гектар ёнғоқзор, 6,6 минг гектар тоқзор барпо этилиши мўлжалланган.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун 271 миллиард сўм ва 8,4 миллион доллар маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Бу қўшимча 15 минг тонна ёнғоқ, 50 минг тонна узум ва узум маҳсулотлари экспорт қилиш имкониятини яратди. 2017-2018 йилларда 26 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Шундай ёнғоқзорлардан бири Кўшработ туманидаги «Оқтепа унумдор замин» фермер ҳўжалигида барпо этилади. Президентимиз бу ерга ёнғоқ кўчати ўтқизди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятда ҳам ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Уларни ишта солиб қўшимча даромад топиш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун одамларга талбиркорликка қизиқишни қучайтириш, томорқадан унумли фойдаланиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Кўшработ туманида 2017-2021 йилларда аҳоли, фермер ва дехқон ҳўжаликларида 10 минг эчки ва 5 минг қўй боқишни ташкил қилиш лойиҳаси ҳам йирик лойиҳалардан. Қиймати 7,7 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳада Россиядан 10 минг насли эчки, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятларидан 5 минг ҳисори қўй олиб келиш мўлжалланган.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 18 декабрдаги қарорига мувофиқ, ОПЕК ҳамда Саудия Арабистони тараққиёт жамғармалари томонидан Ўзбекистон ишгиротида 2016-2018 йилларда Кўшработ туманида ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 36,4 миллион долларлик лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланган.

Лойиҳа амалга оширилгач, 77 қишлоқ фуқаролар йиғинида 49 сув олиш иншооти қурилади, 6 таси реконструкция қилинади. 408,1 километр магистрал сув қувурлари ва тармоқлари барпо этилади.

Бундан ташқари, лойиҳага 110 сув олиш қудуғини бурғулаш ва реконструкция қилиш, 16,1 километр узунликдаги сув иншоотларини ҳимоя деворлари билан ўраш, 164 қудуқ насосини ўрнатиш, 14 автоматлаштирилган насос станциясини қуриш, 55 трансформатор, 3 қўйш генератори ҳамда 52 дизель генератори ўрнатиш, 24,5 километр узунликдаги ташқи электр таъминоти тизими билан таъминлаш киритилган.

Давлатимиз раҳбари Кўшработда экспортбоп мевалар экиш, чорвачиликни ривожлантириш, бунинг учун аҳолига кредит маблағлари ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Кўшработда жунни қайта ишлаш фабрикаси қуриш, Самарқанд ва Оқдарё туманларида 2017 йилда қурилиши режалаштирилган замонавий иссиқхона мажмуалари лойиҳалари тақдими ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда бир гуруҳ нурунийлар билан суҳбатлашди. Нурунийлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган тизимли ислохотлардан, рўй бераётган ўзгаришлардан одамлар рози эканини қайд этди.

Президентимиз Каттақўрғон сув омбори ҳавзасида балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда балиқчилик, паррандачилик, қуёнчилик ва бошқа турдаги ҳўжаликлар тобора ривожлантирилмоқда.

«Каттақўрғон жайхун» фермер ҳўжалиги ва «Каттақўрғон балиқчилик» ҳусусий корхонаси томонидан карп, оқ амур, оқ ва чипор дўнгпешона ҳамда бошқа турдаги балиқларни, балиқ чавоқларини етиштиришда Вьетнам технологиясидан фойдаланиш мўлжалланган. Ушбу илғор технология самарадорлигини беш баробаргача оширадиган. Ҳудудда балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам режалаштирилмоқда.

Лойиҳани ҳаётга таъбиқ этиш учун 5,1 миллиард сўм маблағ сарфланади ва натижада балиқчилик ҳўжаликларида йилга 2 миллион дона чавоқ, 500 миллион дона личинка, минг тонна омихта ем етказиб берилди. 400 тонна балиқ қайта ишланади, 200 тонна қалоқланган, 50 тонна дудланган балиқ маҳсулотлари аҳолига етказиб берилди. Ҳўжаликда 40 янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Пайарик, Самарқанд туманларида «Мароқанд балиқ саноат агро» агрофирмаси ва «Оқ амур балиқлари» фермер ҳўжалиги томонидан «Ипотека-банк» билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечирди. Мазкур лойиҳаларга қўра 450 гектар сув майдонида балиқ чавоқларини кўпайтириш ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилади. Ушбу лойиҳалар учун 12 миллиард сўм маблағ жалб этилади.

Лойиҳаларнинг ишта туширилиши натижада балиқчилик ҳўжаликларида 10 миллион дона чавоқ, 300 тонна омихта ем етказиб берилди, 500 тонна балиқ қайта ишланади. 300 тонна қалоқланган, 50 тонна дудланган балиқ маҳсулотлари халқ истеъмоли учун бозорларга чиқарилади. Лойиҳада 50 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, халқимиз «луқман ҳалол» деб таърифлайдиган балиқ етиштиришини янада кўпайтириш, бунда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, маҳсулотларни нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, сув тармоқларини модернизация қилиш лойиҳаларини кўздан кечирди.

Вилоятда сўнгги йилларда бир неча сув иншоотлари қурилди. Ургут туманида «Камангарон», Кўшработ туманида «Оқчобсой» сув омборлари, Нуробод туманида «Омонлар» сув тўғонининг барпо этилиши ҳудудларда сув ресурсларини бошқаришда самарадорлигини янада оширди, минглаб гектар майдонларда сув танқислигининг олдини олди.

Келгуси уч йилда вилоятда 55 насос станциясини тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган. Натижада 60 минг 619 гектар майдонда сув таъминоти яхшиланади, йилга 29,9 миллион кВт соат электр энергияси ҳамда 720 миллион сўм эксплуатация харажатлари иқтисод қилиниб, 6,4 миллиард сўм маблағ тежалди.

Суви самарали ишлатиш минтақамиздаги долларб масалалардан бири, деди Президентимиз. Шу боис ушбу ресурслар фойдаланиши замон талаблари асосида ташкил этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари вилоятда 2017 йилда молиялаштирилиши кўзда тутилаётган

йирик чорвачилик лойиҳалари билан танишди.

Вилоятда жорий йилда «Чортут», «Чорва суг сервис» фермер ҳўжаликлари, «Наслли чорва импорт», «Самарқанд милк», «Айкан савдо», «Чорва насл бирлашма» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан жами 35 миллион 810 минг сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Ушбу корхоналарда йилга 14 минг 250 тонна суг, 875 тонна сўм маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 230 иш ўрни яратилади.

Мамлакатимизда аҳолини арзон ва сифатли паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ургут туманида «Чўпонота парранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий технологиялар асосида парранда озукасини ишлаб чиқариш режалаштирилган. «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида фаолият олиб борадиган мазкур корхона 3 миллион АҚШ доллари қийматига тенг. У 2018 йилнинг биринчи чора-да ишта туширилади. Натижада вилоятдаги паррандачилик ҳўжаликлари ва аҳоли хонадонларида боқилаётган паррандалар учун йилга 8-10 минг тонна озук маҳсулотлари етказиб берилди. Лойиҳада 30 иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

«Афросиёб парранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан паррандачилик, балиқчилик ва чорвачилик ҳўжаликлари учун омихта ем ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим этилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ корхонага соатига ўн тонна компонентлари электрон аниқлик билан дозалаштирилган юқори сифатли омихта ем ишлаб чиқариш қувватига эга Голландия технологиясини ўрнатиш режалаштирилмоқда. Тайёр маҳсулотлар мамлакатимиздаги ҳусусий талбиркорлар ва аҳоли эҳтиёжлари учун, шунингдек, экспортга йўналтирилади.

«Зарафшон парранда» ҳусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси лойиҳасига қўра, Жомбой туманидаги Мангит қишлоғида 39 гектар ҳудудда жўжа ва туҳум етиштириш комплекси ташкил этилади. Бунга 12 миллиард сўм маблағ жалб этиш мўлжалланган. Лойиҳанинг ишта туширилиши натижада йилга 5 миллион дона жўжа аҳоли хонадонлари ва паррандачилик корхоналарига етказиб берилди.

«Сиёб Шавкат Оруз» фермер ҳўжалиги томонидан Тайлоқ тумани Пайшанбасиёб қишлоғидаги ўн гектар ҳудудда парранда боқиш ва парранда гўшти етиштириш режалаштирилган. Лойиҳага 3 миллион 518 минг доллар сарфланади.

Корхонада йилга 800 минг дона парранда боқиш ва 12 минг тонна парранда гўшти етиштириш йўлга қўйилади. Етиштирилган маҳсулот ички бозорга чиқарилади, муайян қисми экспорт қилинади. Ушбу лойиҳа 60 янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Самарқанд вилоятда кейинги йилларда куркачилик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ушбу йўналишда ҳаётга таъбиқ этилаётган комплекс чора-тадбирлар куркаларни илғор технологиялар асосида кўпайтириш, боқиш, туҳумни сифатли сақлаш имконини бермоқда.

«Мароқанд парранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳага мувофиқ йилга 3 миллион туҳум ва 2 миллион дона курка жўжаси етиштирилади. Лойиҳага 39,6 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланган.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, вилоятда паррандачиликни ривожлантириш учун табиий иқлим, хомашё ва ишчи кучи мавжудлигини таъкидлади. Улардан унумли фойдаланиш, тармоқ талбиркорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Самарқанд шаҳрида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳидан Имом Бухорий мажмуасигача бўлган йўл бўйида икки қаватли замонавий уйлар ва ижтимоий объектлар қуриш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича мутасадди раҳбарларга топшириқлар берди.



Фархат АЛИЕВ олган суратлар.

Қаҳрамонлик,
бурч ва фидойиликФАХРИЙЛАРГА
МАШИНА ОЛИШ
УЧУН
СЕРТИФИКАТ
ТОПШИРИЛМОҚДА

Қашқадарёда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари хонадониди бўлиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда, кўнгилларини кўтариб, уй юмушларига қўмаклашмоқда.

Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига тай-ёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз уй-joyига эга бўлмаганларга турар жой ажратиш каби эзгу ишлар амалга оширилмоқда. «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган замонавий автомобилларнинг бир марталик наватсиз сотиб олиш ва уларга бепул техник хизмат кўрсатиш учун имтиёзли сертификатлар тантанали равишда топширилмоқда.

— Инсон тарихий хотира туйғуси билан барҳаёт, — дейди «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Январь Иноят. — Уруш йилларида вилоятимиздан 47 мингдан ортиқ фуқаро, жумладан, 96 хотин-қиз жанггоҳларда иштирок этган. Уларнинг ярмидан кўпи орта қайтмаган. Айни пайтда вилоятда 120 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳаёт. Уларга доимий равишда тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ногиронлик аравачаси ва бошқа зарур воситалар ажратилиб, соғломлаштириш тadbirlari ташкил этилмоқда. Бу каби эзгу ишлардан фахрийларимиз мамнун бўлиб, юртимиздаги тинчлик-осойишталик бардавом бўлиши, халқимиз фаровонлиги янада юксалишини сўраб, дуо қилмоқда.

Қарши шаҳрининг Қарликхона маҳалласида яшовчи Хўжакул бобо Жўраев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урушда беш марта оғир жароҳат олган. Урушдан қайтиб, турли соҳаларда ишлаган. 92 ёшда қарши олаётган Хўжакул бобо бутун фарзандлари, набиралар еваралари ардоғида. Урушда орттирилган жароҳатлар битиб кетди, ammo унинг дахшати хотиралари ҳамон қалбини тирнайди, кўнглига оғриқ солади. У кунларни эслар экан, нуроний чехрасига маъюслик чўкади. Кўзларига ёш қалқиди... Бугунги дорилоним кунларга шукрона келтиради...

— Юртимиз доим тинч, осмонимиз мусофиро бўлсин, — дейди Хўжакул бобо. — Биз каби фахрийларга кўрсатилаётган доимий ҳурмат ва эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Кўпдан бери ҳаж сафарига боришни ният қилиб юрар эдим. Худо хоҳласа, орзуларим ушаладиган бўлди. Президентимизга минг раҳмат.

Хўжакул бобо хонадонига ташриф буюрган вилоят оқимлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар вакиллари отахона Президентимиз номидан имтиёзли сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Шу маҳаллада яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Рашид бобо Умиров ва унинг оила аъзолари ҳам бу каби юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Рашид бобога ҳам сертификат, пул ва совға-саломлар тантанали равишда топширилди.

Бундай тadbirlar вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН

амалий ишларни янада кўпайтириш — бугунги кун талаби

— Ўтган йили ЎзХДП Тошкент шаҳар партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 448 мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 68 фоизи ижобий ҳал этилди.

— 2016 йилда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари 10 масалани партия гуруҳи йиғилишида кўриб чиқди. Бир масала доимий комиссия муҳокамасига, бир масала сессияга олиб чиқилди.

— Партия электоратини ўйлантираётган масалалар юзасидан 132 депутатлик сўрови юборилди. Шундан 116 сўровга ижобий жавоб олинди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг VII пленумида партия ташкилотларининг ўтган йилдаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлар ана шу тартибда таҳлил этилди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йили юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилар экан, сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлари фуқароларнинг мақсад ва интилишларини рўйбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши кераклигини алоҳида ўқитган эди.

Албатта, жамият тараққиётига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳар бир сиёсий куч ўз позицияси ва қарашига эга бўлиши, шу асосда электорат манфаатларига дахлдор ташаббусларни илгари суриши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун сиёсий партиялар халқ ичига кириб бориши, одамлар билан кўпроқ мулоқот қилиши, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ташаб-

бускор бўлиши керак. Айниқса, депутатлар бедор бўлиши, сайловчилар ишончини оқлашни муқаддас бурч, деб билиши лозим.

Шаҳар партия кенгаши раиси Хайдар Бобохонов пленумдаги маърузасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаси олдига турган долзарб вазифаларга тўхталди.

— Давлат дастурида белгиланган бир қатор амалий ишлар ҳаётида татбиқ этилмоқда, — деди у. — Масалан, депутатларимиз ўзи сайланган округда ҳафтанинг шанба кунлари «Депутатлик қабулхоналари»ни ташкил этиб келмоқда. Бу фуқароларни ўйлантираётган муаммолардан хабардор бўлиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш,

бир сўз билан айтганда, одамлар оғирини енгил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия гуруҳи билан партия ташкилотларининг ўзвий ҳамкорлигини кучайтириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммолар бўйича тақлифларимизни сессияларга олиб чиқиш ишларини янада кучайтиришимиз керак.

Биз бир нарсани доимо ёдда тутушимиз зарур. Бугунги шароит кечасидан тубдан фарқ қилади. Ҳозир тинмасдан ишлаш, изланиш пайти. Одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти анча юксалган, улар куруқ ҳисоботга ишонмайди. Ўзи сайлаган депутат қандай амалий иш қилаётганини кузатиб, билиб турибди. Улар орасида юзими эъруғ бўлиши учун хотиржамлик кайфиятидан бутунлай воз кечиш керак.

Пленумда партия ташкилотлари ва гуруҳи олдига турган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича қатор тақлифлар билдирилди. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллоева партия гуруҳи манзилли ижтимоий ҳимоя масалалари билан боғлиқ қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиш тақлифи билан чиқди:

— Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни ўрганиш ва муҳокама қилиш билан чекланиб қолмасдан, ушбу муҳокамалар асосида қабул қилинган қарорларнинг

ижроси қандай бажарилаётганига етарлича эътибор қаратиш зарур. Ушбу механизмдан самарали фойдалансак, қонунларнинг ижроси қай даражада амалга оширилаётганини ўрганиш, тегишли тартибда баҳо бериш, муаммоларнинг ил-дизига етиб боришимиз мумкин.

Давлат дастури ижроси бўйича депутатлик, жамоатчилик назоратини кучайтириш йўлида партияимиз ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларга таъқидий ёндашиб, тегишли хулосалар чиқариб олишимиз керак бўлади. Бунда шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича қандай фаолият кўрсатаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур, дейишди сўзга чиққанлар.

— «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш вазифаси қўйилгани низоҳатда аҳамиятлидир, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Азиз Ибрагимов. — Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқларро сановат кооперациясини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бунда пойтахтимиз учун ҳам қатор чора-тадбирлар қайд этилганидан ҳаммаимизнинг ҳабаримиз бор. Буларнинг барчаси партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу Сайлов-олди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга масала, деб ўйлайман.

Пленумда ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди, келгусидаги чора-тадбирлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, электорат вакиллари ҳаётий эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, сиёсий ўқувлар тизимида замонавий интерфаол усуллар, технологиялардан кенг фойдаланиш орқали улар самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, партия фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги ўқитиб ўтилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар, билдирилган тақлифлар асосида пленумда асосий вазифалар белгиланган.

Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий тadbirlar таъсирчанлигини ошириш, партия кенгашлари, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини изчил кучайтириб бориш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Пленумда, шунингдек, ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ирода Абдуллаева, «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби Нилуфар Собиржонова сўзга чиқди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ

ўтказишда бошланғич партия ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим

Партиянинг одамлар билан мулоқотини таъминлашда, электорат муаммоларини ўрганишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни аввало бошланғич ташкилот яхши билади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида улар зиммасига янада катта масъулият юк-ланади.

Бугунги ҳаёт бошланғич партия ташкилотларидан нима талаб этмоқда? Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда кўйи бўғинлар масъулиятини кўпайтириш учун яна нимага эътиборни қаратиш лозим? Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашларидаги маъсўл ходимларнинг бу масаладаги фикри қандай?

Сардорбек ҚОСИМОВ,
ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири:

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини изчил кучайтириб бормасдан туриб, партия нуфузини, таъсир кучини ошириб бўлмайди. Бу борада ижобий тажрибаларни омаллаштириш, янги ташаббуслар устида ўйлаш керак.

Ҳар ойнинг охириги шанбасида жойларда «Бошланғич партия ташкилотлари куни» ўтказиб келинапти. Партия кенгаши масъуллари, тарғиботчилар ва фахрийлар ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари бошланғич партия ташки-

лоти аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, қабул қилинаётган янги қонунлар, қарор ва фармонлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот беришади. Аммо биз фақат тadbirlar ўтказиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Куруқ маърузалардан иборат семинарлар билан партия аъзоларининг вақтини беқорга сарфлашга ҳаққимиз йўқ. Аксинча, улардан ҳаётий тақлифлар олишимиз, ҳудудларда биз билмаган камчиликлар, муаммоларни ўрганишда бошланғич ташкилотлар кучидан самарали фойдаланишимиз керак.

Электорат манфаати ифода этилган масалалар, авваламбор, партияимизнинг бошланғич ташкилотларида, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳларида, шундан сўнг уларнинг ташаббуси билан доимий комиссиялар мажлислари, сессияларда муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳаётий тақлифлар шаклланишида яхши самара беради.

Мавлонжон ШОКИРОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири:

— Кўйи бўғинларимиз Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ҳар қачонгидан фаол иштирок этмоғи керак. Чунки бу вазифалар ижроси амалга ошса, бундан биринчи навбатда партияимиз электорати манфаат қўради.

Вилоят кенгашимиз кучли бошланғич ташкилотларга эга. Масалан, «Фарғонаазот» АЖ корхонасидаги бошланғич партия ташкилотини олайлик. Бу ерда 645 нафар аъзо бор. Улар партияимиз ғояларини кенг тарғиб этишда фаол иштирок этиб келишапти. Шаҳар кенгаши билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Фаол аъзолар электорат манфаатларига оид қатор тақлифлар билан чиқашди. Яна бир мисол. Бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан халқ депутатлари Кува туман кенгаши доимий комиссиясига дорихоналар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли юзасидан масала кiritилди.

Биз кўйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш учун, аввало, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, илғор бошланғич ташкилотларни рағбатланти-

риш механизмлари ҳақида ўйлашимиз зарур. Менимча, кўйи бўғин фаолиятини кучайтириш учун биринчи навбатда уларга амалий ёрдам кўрсатишимиз, бирорта бошланғич ташкилотни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бошланғич ташкилотлар томонидан кўтарилаётган ҳар бир тақлифни қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Партия ташкилотлари, депутатлар уларни чуқур таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашиши керак. Ташаббуси амалга ош-ётгани, қўллаб-қувватланаётганини кўрган кишининг фаоллиги, ижтимоий масъулияти янада ортади.

Сайфиддин ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири:

— Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари таркибида 650 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Ҳудудлардаги электоратимизни ўйлантираётган масалалар бошланғич партия ташкилотларининг куч ва имкониятларини бирлаштириш орқали ечилмоқда. Бу ўринда кўп масалалар ечим БПТ етакчилари салоҳиятига боғлиқ.

Биз кўйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш учун, аввало, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, илғор бошланғич ташкилотларни рағбатланти-

риш механизмлари ҳақида ўйлашимиз зарур. Менимча, кўйи бўғин фаолиятини кучайтириш учун биринчи навбатда уларга амалий ёрдам кўрсатишимиз, бирорта бошланғич ташкилотни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бошланғич ташкилотлар томонидан кўтарилаётган ҳар бир тақлифни қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Партия ташкилотлари, депутатлар уларни чуқур таҳлил этиб, ҳаётга татбиқ қилиш учун курашиши керак. Ташаббуси амалга ош-ётгани, қўллаб-қувватланаётганини кўрган кишининг фаоллиги, ижтимоий масъулияти янада ортади.

Жасурбек РЎЗИМОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири:

— Вилоятда партияимизнинг 720 бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Жойларда аҳоли билан ўрашшиш ва улар томонидан кўтарилаётган масалаларни муҳокама қилиш ишлари кўпроқ партиянинг бошланғич бўғинларида бўлиб ўтмоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, кўйи ташкилот етакчилари бевосита маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда асосий эътиборларини ҳудудларда ечимини қутаётган масала-

ларни ўрганишга қаратиб келмоқда.

Вилоятнинг Богот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонадаги БПТ фаоллари туман аҳолисини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан қандай таъминлангани, дори-дармон воситалари билан шугулланувчи хусусий тadbirlar субъектлари фаолиятига оид масалани партия гуруҳи йиғилишида муҳокама қилиш тақлифини билдиришди. Тақлиф Ўзбекистон ХДП гуруҳининг жорий йил февралдаги йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаолиятимизни кучайтиришга оид бир тақлифим бор: Ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятда «Энг яхши бошланғич ташкилот» танлови изчил, юқори савияда ташкил этилса, уларни рағбатлантириш йўллари топила, бошланғич ташкилотлар ўртасида соғлом рақобат мўҳити яратилади...

Бошланғич партия ташкилотларига оид муаммолар, камчиликлар оз эмас, албатта. Улар фаолиятини кучайтириш учун замон талабига мос тақлиф ва ташаббуслар керак бўлади. Партиядошларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар ойнинг охириги шанбасида жойларда «Бошланғич партия ташкилотлари куни» ўтказиб келинапти.

ПРЕСС-РЕЛИЗСИЗ ЎТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан олиб бориладиган ишлар ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Биз бугунги тадбирни жонли мулоқот кўринишида ташкил этдик. Шунинг учун биринчи марта пресс-релиз тайёрламдик, — деди «Шарк» НМАК Бош мухаррири Ахрор Аҳмедов. — Кўзгиз тушган бўлса, нашриётимиз пештоқига «Кўш Шарқдан чиқди, китоб ҳам» деган шiori олиб қўйилган.

Ўтган уч-тўрт йилда, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллик юбилейига сайланмасини янги дизайнда chop қилдик. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг лойиҳага киритилган 8 томлик асарларининг 4 томини чиқардик, 5-6 томлари тайёрланди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг 2014-2016 йилларда ёзилган шеърлари янги дизайн, янги серияда chop этилди. Чингиз Айтматовнинг ўнта кассасини битта китоб қилиб тайёрладик.

Таниқли навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмонов тахрири остида Алишер Навоийнинг «Хамса»сини болалар учун тушунарли тилда chop қилдик. Бу борадаги ишларни давом эттириб, бошқа алло-маларимиз асарларини ҳам нашр қилиш ниятимиз бор.

Тадбирда «Шарк» НМАК томонидан ҳар йили мактаб ўқувчилари учун 110 номдаги дарслик 10 миллион нусхада chop этилаётгани, шунингдек, дафтар муаммосини ҳал этиш мақсадида Хиндистондан янги линия олиб келиб



Фаруқ АЛИЕВ олган сурат.

ўрнатилгани ва янги ўқув йилига қадар 30 миллион дона дафтар ишлаб чиқариш кўзда тутиладигани айтиб ўтилди.

— Алишер Навоийнинг асарлари кўплаб нашриётларда chop этилган. Биз янги лойиҳа асосида улғу шoirнинг икки томлик, бир ярим минг саҳифадан иборат қомусий лўғатини тайёрладик, — деди Бош мухаррир ўринбосари Носиржон Жўраев. — Халқимизнинг тарихий асарларга қанқлигини ҳисобга олиб, Муҳаммад Хайдар Мирзо томонидан ёзилган «Тарихи Рашидий» китобини босмадан чиқардик. Ўтган

йили унинг русча матни ҳам китоб ҳолида chop этилди. Компаниянинг «Шарк зиёкори» дўконига жуда кенг ассортиментда турли мавзудаги китоблар сотиляпти. Ўқувчилар талабидан келиб чиққан ҳолда 4-5 мартаба қаданаш кўлингиз китоблар бор.

Бугун болалар адабиётига ҳар қачонгидан кўра эътибор кучайган. Шунинг билан олган ҳолда ўтган йили 200 га яқин болалар адабиётига оид китоблар чиқариб, бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга кўтардик. Лекин барибир нашриётнинг электрон почтасига мамлакатимизнинг чекка

туманларида болалар ва ўсмирлар адабиёти етишмаслиги, бундай китобларни кўпайтириш тўғрисида таклифлар келиб тушяпти.

Мутахассисларни жалб қилган ҳолда, менталитетимиздан келиб чиқиб, амалиётда ва илмда ҳам қўллаш мумкин бўлган, 600 саҳифадан иборат «Тиббиёт энциклопедияси»ни уч минг нусхада чиқардик, барибир камлик қилди. Энди уни янада бойитиб, янгидан нашрга тайёрлаётимиз.

Илгарилари бир қатор адабларимизнинг «Аср ошган асарлар» рукнида китоблар chop этилар эди.

Бугунги кунда мазкур аъёна қайтадан тикланди. Ҳозир Ҳалима Худойбердиева, Жамол Камол, Сирожиiddин Сайид, Омон Матчон сингари адабларимизнинг китоблари тайёрланяпти.

— Мен шу нашриётда узоқ йиллардан буён ишлайман, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Эркин Малик. — Бу ерда ҳозиргача фаолият юритиб келадиган Сифат комиссияси биринчи галда, ҳар бир китобнинг қанчалик даражада яхши чиқганини баҳолайди. Кўпчилик нашриётларда ана шундай комиссия ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Президентимиз Шерободда Исо Термизий мажмуасини зиёрат қилганида, бу улғу сиймо ал-Бухорий билан шоғирд-устоз эканликлари таъкидлаб, «Китобсиз келажак йўқ», деган эди. Биз китобни нон каби эъзозлаб, ҳазрати китоб даражасига кўтаришимиз керак.

— Қайси давлатда илм-фандан, маънавиятдан маблағ аялса, у келгусида ўша сармояни қурол-ярққа ишлатади, деган гап бор, — деди «Шарк зиёкори» китобсавдо мажмуаси директори Умиджон Холиков. — Бугун боласини китоб дўконига етаклаб келадиган ота-оналарни, набирасига китоб олиб бераётган бобо-буваларни, севган қизига китоб соғва қилаётган йигитларни тез-тез учратаман. Демак, Президентимиз илгари сўраётган китобхонлик маданияти аҳоли ўртасида кенг оммалашаяпти, китобга ҳурмат-эътиборли бўлиш туйғуси юракларга сингаляпти.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2017»

финалчилар номи аниқланди



Ўзбекистон волейбол федерацияси матбуот хизматидан хабар берилишича Наманган шаҳрида «Баркамол авлод — 2017» мусобақаларининг волейбол бўйича минтақавий саралаш ўйинларида ғолиблар номи аниқланган. Унга кўра қизлар ўртасида Наманган, Андижон, Хоразм ва Фарғона вилоятлари спортчилари финал йўлланмасини кўлга киритган бўлса, ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларда Қашқадарё, Навоий, Андижон ва Фарғона вилоятлари волейболчилари бошқалардан кўра кучлироқ эканликлари амалда исботлай олишди.

Маълумот ўрнида: «Баркамол авлод — 2017» мусобақаларининг финал босқичига Жиззах вилояти мезбонлик қилади.

«ПАХТАКОР — 2005»

Болгариядаги мусобақада иштирок этмоқда

«Пахтакор» клубининг 2005 йилда тузилган футболчилардан иборат жамоаси Болгариядаги халқаро мусобақада иштирок этмоқда.

Улғубек Рўзимов бошчилигидаги «Пахтакор — 2005» «Evima Cup Bansko 2017 — spring edition» мусобақасининг дастлабки турида Македониянинг «Академия Пандев» жамоасига қарши майдонга тушиб, дуранг натижани қайд этди.

Бугун ёш «пахтакорчилар» Болгариянинг «Вихрен» клуби ҳамда эртага «Пирин Разлог» жамоасига қарши майдонга тушади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти

2017 йил 18 май кўни очик аукцион савдоларини ўтказлади

Савдоларга Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Бирлик кўчаси, 2-уйда жойлашган АТБ «Qishloq qurilish bank» Бекобод филиалининг 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/451 АВА, бошлангич нархи 18 363 000 сўм бўлган «ГБА СПГ Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисидаги қелишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошлангич нархининг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 2020800004932833001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказилган савдоларга тақдоран қўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тўзигунга қадар тўлаб бериш шартлари оқлатилади.

Талабдорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вақил қатнашишда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, jisмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисидаги қўшимча маълумотларни кўрсатилган манзилдан олиш мумкин.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган кўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Анхор бўйи кўчаси, 18-уй.

Алоқа телефони (+998 95) 143-69-97.

Электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Гувоҳнома № 005414-05

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Бўритош МУСТАФОЕВнинг вафоти муносабати билан муҳимнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири Саҳобат Зуннуновага турмуш ўртоғи

Давлат ЗУННУНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Жаҳон» АА,
Париж.

Журналнинг янги сони

Шу кунларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар жойларда кенг ўрганилмоқда. Ёнг муҳими, одамлар бу вазифаларни қўллаб-қувватлмоқда, уларнинг туб моҳиятини англаб олишга ҳаракат қилишмоқда.

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

илмий-маърифий журналининг навбатдаги сониди бугуннинг долзарб масалаларига бағишланган қатор мақолалар chop этилган.

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги сонидида «Ҳаракатлар стратегияси: мамлакатимиз тараққиётининг беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб берилди» сарлавҳали мақола кўпчиликлда катта таассурот қолдириши табиий. Давра суҳбати иштирокчилари фикрларидан иборат бу мақолада бир гуруҳ мутахассислар ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритишган. Хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, журналист, сиёсий шарҳловчи Ф.Мирзаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Э.Эрназаров, журнал масъул ходими Ш.Номозбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси Л.Исоқов, «Куч-адолатда» газетаси бош мухаррири Ш.Ҳамроев ва бошқалар Ҳаракатлар стратегиясининг йўналишларидан кўзланган мақсадлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Бу мақола Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида журналхонларга кенг тушуنча беради, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш миллий тараққиёт пойдевори», «Халқ билан очик мулоқот — давлат ва жамиятга ишончининг мустаҳкам қафолати», «Инсон манфаатлари: юридик тушунча ва ташкилий-ҳуқуқий қафоллатлари», «Тадбиркорлар ва хусусий мулкдорлар тараққиётининг муҳим



таянчи», «БМТ ва Ўзбекистон: самарали ҳамкорлик, юксак ишонч ва эътироф, ёруғ истиқбол» каби таҳлилий мақолалар ҳам бугуннинг муҳим мавзуларига бағишланган.

Инсон ҳуқуқлари, маънавият, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқлари мавзуларидаги мақолалар ҳам кўп саволларга жавоб беради, журналхон ҳуқуқий, сиёсий билимини оширишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўз мухбиримиз.

Халқаро кўргазма

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕК РАССОМИНИНГ КЎРGAЗМАСИ

Рузй-Мальмезон шаҳрида ўзбек миниатюрчи рассоми Давлат Тошев асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси томонидан мазкур шаҳар мэрияси ва Бухоро шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Рузй-Мальмезон шаҳри маъмурияти, махаллий органлар депутатлари, Франциянинг ишбилармон, маданият ва ижтимоий доиралари, ОАВ вакиллари ҳамда Бухоро шаҳри делегацияси қатнашди.

Тадбир чоғида мамлакатимизда амалга оширилган демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сармоявий ва иқтисодий муҳитни такомиллаштириш, маданий меросни оммалаштириш борасидаги ишлар Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқаларнинг янада самарали ривожланишига мустаҳкам асос яратиши таъкидланди.

Маълумки, Бухоро ва Рузй-Мальмезон шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқалари 1999 йил январь ойида ўрнатилган ва ҳозиргача фаол ривожланиб келмоқда. Хусусан, йўлга қўйилган мунтазам делегациялар алмашинуви, ўтказиб келинаётган маданий тадбирлар, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Францияликлар Марказий Осиёнинг юрагига жойлашган ва ўзининг бой тарихи, маданияти ва ўрта асрлар Шарқ меъморчилигининг дурдоналари билан машҳур Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашади. Ўтган йиллар

давомида Рузй-Мальмезон шаҳрининг юзлаб аҳолиси мамлакатимизда бўлиб, муқаддас Бухоронинг диққатга сазовор масканлари ва меҳмондўст халқи билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Мазкур «XXI аср ўзбек миниатюра санъати» мавзусидаги кўргазма Франция жамоатчилигининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини яна бир бор намойиш этди ва мамлакатимизга таклиф этишининг ўзига хос кўриниши бўлди.

Тадбирда «Жаҳон» ахборот агентлиги айрим иштирокчиларнинг таассурот ва мулоҳазалари билан қизиқди.

Филипп Тротан, Рузй-Мальмезон шаҳри мэрининг халқаро муносабатлар, шериклик алоқалари ва сайёҳлик масалалари бўйича ўринбосари:

— Рузй-Мальмезон мэрияси Давлат Тошевнинг кўргазмаси ўтказилишидан ва Бухоро шаҳри делегациясини кутиб олишдан жуда мамнун. Ушбу тадбир иккала шаҳар ва халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстона алоқаларнинг рамзини ифода этади. Биз кўргазма ва ўзбекистонлик меҳмонларнинг ташири симиий муносабатларимизни янада яқинлаштиради, деб ҳисоблаймиз.

Миниатюрчи рассом Д.Тошевнинг фаёқулдада истеъдод эгаси эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonada manzilli Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438
14775
naxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00:51
Topshilgan vaqti — 02:10

Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturichilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
7 720 10 763 006

1 2 3 4 5

MUASSIS:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)